

## ЎЗГАРАЁТГАН РАҚАМЛАШГАН ТАФАККУР ШАРОИТИДА МАФКУРАВИЙ ТОЛЕРАНТЛИК



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-22-11-15>

*Тураев Бахтиёр Оманович*

*фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази  
директори бош маслаҳатчиси*

**Аннотация:** Мақолада инсониятнинг бугунги тараққиёти шароитида интеллектуал тафаккур ўзгаришидаги жараёнлар, тафаккурнинг рақамлашуви, тафаккур тараққиётида сунъий интеллектнинг ўрни кўрсатилган. Шунингдек, мақолада рационал ва иррационал тафаккур уйғунлигининг моҳияти, Шарқ ва Ғарб тафаккур тарзи моҳиятидаги зоявий бирликни таъминлашда мафкуравий толерантликнинг ўрни каби масалалар ҳам қараб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** сунъий интеллект, толерантлик, интолерантлик, мафкуравий толерантлик, мафкуравий тўсиқлар, дунёқараиш маркази, рақамлашган дунё, парадигмалар, фан ва илоҳиёт, илмда эркинлик.

**Annotation:** The article examines the processes of changes in intellectual thinking in the context of modern human development, the digitalization of thinking, and the role of artificial intelligence in its evolution. The article also analyzes the essence of harmonizing rational and irrational thinking, as well as the role of ideological tolerance in ensuring ideological unity within the mentality of the East and West.

**Keywords:** artificial intelligence, tolerance, intolerance, ideological tolerance, ideological barriers, digital world, worldview center, paradigms, science and theology, freedom in science.

**Аннотация:** В статье рассматриваются процессы изменения интеллектуального мышления в условиях современного развития человечества, цифровизация мышления и роль искусственного интеллекта в его эволюции. Также в статье анализируется сущность гармонизации рационального и иррационального мышления, а также роль идеологической толерантности в обеспечении идейного единства в менталитете Востока и Запада.

**Ключевые слова:** искусственный интеллект, толерантность, интолерантность, идеологическая толерантность, идеологические барьеры, цифровой мир, мировоззренческий центр, парадигмы, наука и теология, свобода в науке.

### КИРИШ

XXI асрда бутун инсоният ўз атрофида рўй бераётган тинимсиз социал-сиёсий ва техник-техологик ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибди. Биз энди том маънода рақамлашган дунёда яшайпмиз. Ҳамма масалани уйда туриб бажариш мумкин. Мобил

телефонингиз орқали буюртма берасиз, сизга керакли ашъёларни олиб келиб беришади. Тўловлар ҳам рақамлар билан амалга ошади. Сиз уйингиздаги юмушларни сунъий интеллект зиммасига топширишингиз мумкин ва у бу топшириқларни кўнгилдагидек бажаришига ишонасиз.

Бугунги рақамлашган дунё ўз тараққиётининг илдизидан ётган IX асрда Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (783-850)<sup>1</sup> томонидан яратилган ўнлик санок системаси, виртуал моҳиятли 0 рақами, алгоритмик мантиқ усулидан миннатдор бўлиши лозим. Хоразмий рақамлашган дунёни очиб инсоният тарихида улкан интеллектуал инқилоб ясади<sup>2</sup>. Бу инқилоб дунёнинг манзарасини тубдан ўзгартириб юборди ва бугунги кунга келиб, сунъий интеллектнинг вужудга келишига асосий таянч бўлди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Рақамлашган дунё шароитида қадриятлар ўзгармоқда. Қадрият мўлжаллари ҳам сиз кутмаган йўналишларга бурилмоқда. Ахборотларнинг қадри кутилмаганда кескин кўтарилиб кетди. Керакли ахборотлар қимматлашди. Ахборотнинг қиммати унинг тезлигига, ҳозиржавоблигига ва мазмунан бойлигига боғлиқ бўлиб, ахборот эгаси катта имкониятларга ва ҳатто ҳукмронликка эга бўлмоқда. Виртуал дунёнинг қадри ошмоқда. Унинг ривожланиши замирида Хоразмий математик тафаккурига таянган илм-фан тараққиёти ётибди.

Табиий-илмий, тиббий, техник-технологик ва ижтимоий фанлар ўртасидаги алоқадорликларнинг янгидан-янги қирралари ва йўналишлари очилмоқда. Янги-янги замонавий юксак технологик жараёнлар (нанотехнология, материалшунослик, ўта ўтказувчанлик, энергетик муъжизалар) рақамлашган дунёнинг қанотларига айланмоқда. Табиатшунослик ва техника фанлари соҳаларининг ижтимоий ва гуманитар фанлар хулосаларига бўлган эҳтиёжи эса тобора ошиб бормоқда. Барча билимлар тизимида инсон ҳақидаги таълимотлар, инсон омили, инсон капитали марказий ўрин эгалламоқда.

Шу жиҳатдан инсон ва унинг дунёқараши масаласи фанда ўз долзарблигини йўқотган эмас. Инсон фаолиятининг барча турлари ижтимоий ва социал омиллар билан чамбарчас боғлиқлиги тобора равшан кўзга ташланмоқда.

Ҳар бир инсон, воқеликка қарашли муайян тартибдаги мантиққа риоя этган ҳолда, ўзи одатланган илмий қадриятлар системасига, қонун ва (принципларга) тамойилларга таяниб иш юритади. Булар вақт ўтиши билан, ижтимоий воқелик ўзгариши билан ўзгариб боради. Америкалик олим Томас Кун (1922-1996) бундай ўзгаришларни парадигмаларнинг ўзгариши деб таърифлайди.

Унинг фикрича, «парадигмалар бу олимлар жамоасининг муайян психологик ва социал шарт-шароитлар таъсирида одатланиб қолган тафаккур тарзи бўлиб, у воқеликда рўй бераётган ўзгаришларни пайқаб олишга халақит беради»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: *Ал-Хоразмий Муҳаммад ибн Мусо*. Танланган асарлар (Мас.муҳ-лар: С.Х. Сирожиддинов, У.И.Каримов, М.М.Хайруллаев). – Тошкент: Фан, 1983. – 472 б.

<sup>2</sup> *Тураев Б.О.* Буюк ўзбек олими Муҳаммад Мусо Хоразмий - жаҳон интеллектуал цивилизацияси тараққиётининг бурилиш нуқтасини яратган мутафаккир. // *Imom al Buxoriy saboqlari*. № 1, 2014. Б.4-5.

<sup>3</sup> *Томас Самюэль Кун*. Структура научных революций (*Сост. В.Ю. Кузнецов*).- Москва: ООО «Издательство АСТ», 2003. — 605 с. ISBN 5-17-010707-2

Дунёқараш ҳисоб тизимининг маънавий ўлчови илмий, диний, мифологик ва бошқа. кўринишларда намоён бўлади ҳамда улар бир-биридан оламга маънавий кадриятларнинг қандай турларига асосланиб қараши билан фарқ қилади. Бундай ҳисоб тизимларини бирлаштирувчи умумий дунёқараш маркази ҳам бўлиши мумкин. Масалан, танқидий реализм оқимининг намоёндаси П. Фейерабенд (1924-1994)<sup>4</sup>, структурализм фалсафаси асосчиси К. Л. Стросс (1908-2009)<sup>5</sup> ва бошқалар фалсафада фан ва дин, фан ва мифология, фан ва санъат ўртасидаги умумий дунёқараш марказларини яратишга уринишмоқда. Бундай вазиятда мантиқий асосни ҳам ўзгартиришга тўғри келади. Формал мантиқ талаблари ҳар қандай вазиятга ҳам бирдай мос келавермайди. Шунингдек, физик табиатдаги мантиқ биологик ёки социологик мантиқ талабларини қондира олмаслиги мумкин. Турли хил маънавий ходисаларни бир-бирига боғлай оладиган мантиқий тузилмани ишлаб чиқиш ҳам ҳозирги замон фалсафасининг долзарб вазифалари жумласига киради.

Дунёқараш ҳисоб системасининг минтақавий ўлчови ҳам бўлиб, у оламга шу минтиққа хос фикрлаш тарзи билан қарашга боғлиқдир. Бир пайтлар, қисман ҳозир ҳам, фанда асосан европацентризм дунёқарашни ҳукмрон бўлиб келган эди. Бундай ҳисоб системали дунёқараш шарқий мамлакатларга хос фан ва маданиятнинг моҳиятини англашга халақит бераган. Бундай тушунмовчиликни экзистенциализм оқими намоёндаларидан бири Антуан де Сент-Экзюпери (1900-1944) ўзининг машҳур «Кичкина шахзода»<sup>6</sup> асарида янги юлдузни кашф этган турк астрономи мисолида яхши тасвирлаган.

(Бу асарда турк олими туркча кийиниб маъруза ўқиганида унга ҳеч ким эътибор бермаган, кейинги сафар у европача модада кийиниб маъруза қилганида, уни ҳамма олқишлайди). Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида Шарқни англаш учун интилиш кайфияти яққол сезилмоқда. Чунки, шарқий мамлакатларда яшовчи халқларга хос маънавий кадриятлар, шарқона донолик, инсонпарварлик, фан ва маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари эндиликда бутун инсониятни ўзига жалб қилмоқда. Буларни англаш учун ҳам шарқона мантиқни эгаллаш, шарқона дунёқараш марказидан туриб фикрлай олиш керак бўлади. Бугунги кунда бутун жаҳон миқёсида турлича дунёқарашларнинг бир-бирини қамраб олишига, бир-бирини англашига йўл очилмоқда.

Бу йўлдаги муҳим тамойил дунёқарашда тоқатлилиқ, яъни толерантлик, бағрикенглик тамойилидир. Бу тамойил фан билан диннинг, Шарқ, билан Ғарбнинг, Шимол билан Жанубнинг, табиий фанлар билан ижтимоий фанларнинг, техника фанлари билан гуманитар фанларнинг бир-бирини тўлдиришига, глобал дунёқарашнинг шаклланишига имконият яратади. Юқорида саналган илм соҳаларини бир-бири билан айнанлаштириш, бирининг ўрнига иккинчисини кўйиш ноўриндир, чунки фаннинг тадқиқот объекти диннинг эътиқод объектидан тубдан фарқ қилади, уларнинг ҳар бири ўзига хос мантиқ воситасида воқеликка ёндашади. Фан учун илмий

<sup>4</sup> Қаранг: Чудинов Э. М. Природа научной истины. — М.: Либроком, 2010. — 312 с. — ISBN 978-5-397-01376-5.; Никифоров А. Л. Методологическая концепция П. Фейерабенда // Вопросы философии. — 1976. — № 8. — С. 142—146.

<sup>5</sup> Қаранг: Леви-Стросс К. Первобытное мышление. — М.: Республика, 1994. — С. 3—14.

<sup>6</sup> Антуан де Сент-Экзюпери. (Таржимон: Хайридин Султонов). — Тошкент: Ғафур Фулом, 1988.-58 б.

мантиққа асосланган далилларнинг аҳамияти биринчи ўринда бўлса, дин учун эса илоҳий мантиққа, илоҳий моҳиятга эга бўлган ишонч-этиқоднинг аҳамияти устундир.

Фан билан шуғулланувчи олимнинг диндорга “сен нима учун тоат-ибодат қиласан?”- деган даъвоси қанчалик ўринсиз бўлса, тоқводор диндорнинг экспериментатор-олимга қарата “нега сен илоҳий куч яратган жониворлар устида тадқиқот ўтказасан?”- деган даъвоси ҳам шу қадар мантиқсиздир. Улар бундай шароитда бир-бирларига нисбатан сабр-тоқатли бўлишлари, бағрикенглик қилишлари ва бир-бирини тўғри англашга, тушунишга интилишлари лозим. Агар уларнинг бу ҳаракатлари инсониятга, жамиятга, шахсга таҳдид солмаса, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига даҳл солмаса, бир-бирларининг касбига оид хатти-ҳаракатларига, билмасдан туриб аралашини салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин. Бу вазиятда маърифий толерантлик муҳим аҳамият касб этади.

Олим билан билан илоҳиётчи олам сирларини ечишда ҳамкорлик қилишлари мумкин. Бу фан тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Тарихда шундай аллома кишилар ҳам ўтганки, улар бир вақтнинг ўзида ҳам табиий илм-фан асосларини, ҳам илоҳиёт асосларини яхши билишган ва бу соҳаларга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўша олишган. Муҳаммад Хоразмий (780-850), Имом Бухорий (810-870), Ҳақим Термизий (820-932), Абу Наср Форобий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), сингари даҳо олимлар шундай қобилиятларга эга бўлишган. Уларнинг ҳам табиий-илмий фанларга ҳам илоҳиёт илмларига оид асарлари бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Олимнинг хатти-ҳаракати ҳам, диндорларнинг хатти-ҳаракати ҳам инсониятнинг, жамиятнинг ва шахснинг манфаатларига қарши қаратилган бўлса, бундай хатти-ҳаракатлар қонуний йўл билан тақиқлаб қўйилиши зарур.

Фан ва диннинг умумий дунёқараш маркази инсонийликдадир, чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсоният жисмига мансуб шахслардир. Фанда бу гуманизм деб аталади. Гуманистик мақсадда бажарилган кашфиётлар, изланишлар бутун инсониятга хизмат қилади. Бугунги рақамлашаётган дунё ҳам инсоният манфаатига хизмат қилиши лозим. Агар у инсоният манфаатларига зид келувчи, инсонни йўқ қилиш, камайтириш мақсадларига йўналтирилса, бундай кашфиётлардан воз кечиш ва уларни жазолаш лозим.

Дунёқараш маркази турлича бўлган дунёқараш вакилларининг нуқтаи назарларини туташтириш билан биргаликда, уларнинг бир-бирларининг чегараларига ёриб киришларига ҳам йўл қўйилмайди. Кўпгина можароли вазиятлар турли соҳа вакилларининг билиб-билмасдан бир-бирларининг ишларига нопрофессонал аралашини билмасдан келиб чиқади. Масалан, диндор физикнинг квант механикасига оид қонуниятларига илоҳиёт мантиғига таяниб «ўзгартириш киритишга» киришиб кетса ёки космология назарияси билан шуғулланувчи олим илоҳиёт қонунларига «тузатиш киритишга» уринса, бундай хатти-ҳаракатлар уларнинг бир-бирларининг ишларига асоссиз аралашини деб баҳоланиши, ҳар кимнинг ўз касби билан астойдил шуғулланиши рағбатлантирилиши лозим. Шунингдек, улар бир-бирларини тўғри англашга интилиши зарур.

Дунёқараш марказининг ўзгариши, яъни дунёқараш радиусининг кенгайиши, объектга кенгрок, планда назар ташлаш демакдир. Бу ўзгача дунёқарашнинг ўрнини босиш деган гап эмас. Объектга қанчалик кенгрок пландан туриб қарасак, тор дунёқарашдан туриб кузатган билимларимиздаги нуқсонлар шу қадар аниқрок, намоён бўлади. Шунда биз йўл қўйган хатоларимизни яхши илғаб оламиз,. Хуллас, дунёқараш марказининг ўзгариши, айти пайтда дунёқараш радиусининг кенгайиши билан биргаликда олиб борилиши лозим. Дунёқараш радиусининг кенгайиши эса воқеликка юксак ракурстан туриб қараш имконини туғдиради. Шундай қилиб, биз ўзгараётган дунёдаги ўзгараётган дунёқарашнинг ва шу асосда ўзгараётган тафаккурнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бу жараён рақамли технологиялар тараққиёти ва сунъий интеллект ривожини шароитида янада жадаллашди. Сунъий интеллект дунёдаги тилларни, маданий кадрларни, кадрлар мўлжалларини, урф-одат ва анъаналарни бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини тобора тўғри англашларига имконият эшикларини очмоқда. Бугунги кунда Шарқ ва Ғарб маданиятлари бир-бирини ўрганишга бир-бирига яқинлашишга интиломоқда. Лекин бу интилошларга мафкуравий чегаралар, мафкуравий манманликлар, мафкуравий шовенизм тўсиқ бўлмоқда. Фан ва дин ўртасида ҳам мафкуравий тазйиқлар уларнинг бир-бирини тўғри англашишига халақит бермоқда. Рационал ва иррационал ғояларнинг ҳам умумий туташ нуқталари борлигига эътибор қаратишимиз лозим.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, инсоният бугунги кунда тафаккур тараққиётида шиддатли жараёнларга дуч келмоқда, дунё тобора рақамлашиб, инсоннинг жонли тафаккурига эҳтиёж камайиб борадиган шароитга яқинлашмоқда. Бу эса тафаккурнинг ривожига аксил таъсир кўрсатиши мумкин, бунинг устига, инсон манфаатига қарши қаратилган мафкуравий тазйиқлар халқларнинг, миллатларнинг, маданиятларнинг бир-бирига яқинлашишига, бирлашиб ҳаракат қилишларига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Ер юзида рўй бераётган барча жирканч жинойатларнинг, адолатсизликларнинг, хиёнатларнинг замирида биргина сабаб – ғаразли ниятли моддий манфаатпарастлик илллати ётибди. Умид қиламизки сунъий интеллект ва маънавий етуклик фалсафаси инсониятни бу илллатдан қутқаради. Бунинг учун сунъий интеллектни инсон тафаккури тараққиёти учун хизмат қилдиришимиз зарур бўлади.